

## ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

***Кулибоев Азамат Шоназарович***

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ)*


*e-mail: [azamatkuliboyev@gmail.com](mailto:azamatkuliboyev@gmail.com), ORCID: 0000-0002-3357-070*

**Аннотация.** Ушбу илмий тадқиқот ишида давлат тиббиёт ташкилотларида харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузиш тартиби баён қилинган. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни тегишли ҳисоб регистрлари ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги ўрганилган.

**Калит сўзлар:** бюджет маблағлари, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, давлат бюджети, давлат тиббиёт ташкилоти, касса харажат, ҳақиқий харажат, харажатлар сметаси, ҳисобот, ҳисобот даври.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига катта эътибор берилиб, охириги йилларда давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми табора ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Давлат бюджетининг 2024 йил учун харажатлари 312 921 млрд. сўм ёки ЯИМнинг 24,0 фоиз этиб прогноз қилинмоқда. Шундан, ижтимоий харажатларга 151 504 млрд. сўм йўналтирилади, бу эса жами Давлат бюджети харажатларининг 48,2 фоизини ташкил этади. 2024 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 33 439,3 млрд. сўм йўналтириш режалаштирилмоқда, бу давлат бюджетидан ажратилиши кутилаётган умумий ижтимоий соҳа харажатларининг 22 фоизига тенг ҳисобланади [2]. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларнинг энг юқори улушини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ташкил қилади. Кейинги ўринларда дори-дармон

воситалари, тиббиёт буюмлари, вакциналар ва бактериологик препаратлар сотиб олишга сарфланадиган харажатлар туради. Маълумки, давлат тиббиёт ташкилотлари бюджетдан маблағ олиш учун албатта харажатлар сметасини амалдаги норматив-меъёрий хужжатларга мувофиқ тузиб, тегишли молиялаштирувчи органларга тақдим қилишлари шарт. Давлат тиббиёт ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади. Бугунги кундаги муҳим аҳамиятга эга масалалардан бири ҳам, Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағларнинг ҳисобини юритиш, амалга оширилган касса харажатларини назорат қилиш ва тизим ташкилотларининг ҳисоботларида бюджет маблағларининг ҳолатини услубий жиҳатдан тўғри акс эттириш ҳисобланади [3]. Шунинг боисдан, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет маблағлари бўйича тузилган харажатлар сметаси ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишнинг услубий жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш керак, деб ҳисоблаймиз. «Бюджет ҳисоботи» номли 3-сонли БҲСга мувофиқ давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин қуйидаги ҳолатлар текширилиши керак (1-расм).



**1-расм. Давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин текшириладиган ҳолатлар<sup>1</sup>**

Тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларнинг Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарида тўғри акс эттирилганлигини текширишда, ҳужжат рақами ва санаси, хўжалик муомалалари мазмунининг харажат гуруҳлари бўйича мослигига эътибор қаратилади [1]. Қолган учала ҳолатлар бўйича текширилганда, тегишли мемориал ордерлар, Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари ва бошқа ҳисоб регистрларида акс эттирилган маълумотлар ўзаро солиштирилади. Бунга давлат тиббиёт ташкилотларининг бош ҳисобчилари масъулият билан ёндашиши талаб этилади [3]. Акс ҳолда, ҳисоботда хатолик юзага келади. Давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботи кўрсаткичларини тегишли ҳисоб регистрлари ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги қуйидаги 2-расмда ўз аксини топган.

---

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган



**2-расм. Харажатлар сметаси ижроси ҳақидаги ҳисоботни тегишли ҳисоб регистрлари ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги<sup>2</sup>**

Харажатлар сметаси ижроси ҳақидаги ҳисоботни 2 – расмда кўрсатилган тегишли ҳисоб регистрлари ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш учун Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қодалари ва Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада кўрсатилган тартибларга ҳам амал қилиш керак. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида Харажатлар сметаси ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишда аввало, бошланғич ҳисоб ҳужжатларига тўғри бухгалтерия ўтказмалари бериш ва хўжалик муомалаларига мос бюджетнинг иқтисодий таснифини қўллаш

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан тузилган

керак. Бюджет маблағларида қилинадиган харажатларни ҳам тегишли мемориал ордерларда тўғри акс эттириладиганлигини текшириб, уларнинг Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот маълумотлари билан ўзаро мувофиқлигини солиштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Бюджет ҳисоботи» (3 – сон БҲС, 2019 йил 18 январь, 3124 – сон).
2. “Фуқаролар учун бюджет: 2023 йил учун тасдиқланган бюджет” ахборот нашри БМТ Тараққиёт Дастури.
3. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Account of extra-budgetary funds of budget organizations. Study guide. - Т.: "Economy - Finance", 2018. - 192 p.
4. Кулибоев, А. (2022). Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 84–89. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/80>
5. Кулибоев, А. (2023). Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8). <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23>
6. Кулибоев, А. (2023). Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(S/5). <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N12>